

002
П-32

20

Т. ПИДАЕВ

ф. 1001/16/3.

Аъзам Аюбов

СУҲБАТЛАР

ФРАН ХАҚИДА



Т. Р. ПИДАЕВ


002 (09)

П-32

АЪЗАМ АЮБОВ

Ср. 22716/3.

№ 14



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1970

4

актор Ҳ. Ю н у с о в

Корректор В. Ҳ а к и м о в

осишга рухсат этилди 20/XI-70 й. Қоғоз формати
ртди босма листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,22.
Р.02970. Заказ № 1710. Баҳоси 4 тийин.

ий Комитети нашриётининг босмаҳонаси.
авда Востока“ кўчаси, уй № 26.

Ўзбекистон КП МҚнинг нашриё-

унинг ҳақида.

М Аюбов.

002 (09) + 8Ўз2.

На узбекском языке.

Т. Р. ПИДАЕВ

АГЗАМ АЮБОВ

Издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент — 1970

Техредактор Ё. Х а и м о в Редактор Ҳ. Ю н у с о в Корректор В. Ҳ а к и м о в

Теришга берилди 18/II 1970 й. Босишга рухсат этилди 20/XI-70 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,22. Тиражи 11830. Нашр № 2. Р.02970. Заказ № 1710. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси.
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

002
П 39

Пидаев, Т. Р.

Аъзам Аюбов. Т., Ўзбекистон КП МҚнинг нашриёти, 1970.


32 бет, расм.

1. Аюбов, А.

унинг ҳақида.

Пидаев, Т. Р. Агзам Аюбов.

002(09) + 8Ўз2.



Биз бу рисолачада йигирманчи ва ўттизинчи йиллардаги ўзбек совет журналистикасининг кўзга кўринган намояндаларидан бири — моҳир қаламкаш, саркотиб ва таржимон Аъзам Аюбов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Аъзам Аюбов В. И. Ленин ғояларининг садоқатли ва самимий жарчиси, ташвиқотчиси эди. У зеҳни ўткир ва мушоҳадаси кенг, билимдон ва ҳозиржавоб қаламкаш бўлиб, ўз касбини бениҳоя юксак қадрлар, ўзи хизмат қилаётган газета ёки журналнинг ғоявий бақувват, сермазмун ва ўқимишли чиқиши йўлида фидокорона жон куйдиради. Унинг серқирра ижодий мероси, саркотиблик ва таржимонлик фаолияти, барҳаётлигидаёқ турли йигинларда ва матбуотда унга берилган баҳолар, қолаверса ҳозир ҳаёт бўлган ҳамкасб дўстлари ва шогирдларининг хотиралари Аъзам Аюбовни кўз

Ўнгимизда ана шундай баркамол инсон ва қаламкаш сифатида гавдалантиради. Аъзам Аюбов ижодий куч-ғайрати айни жўш урган паллада 36 ёшида бевақт дунёдан ўтди. У қисқа, аммо самарали ва сермазмун ижодий фаолияти билан ўзбек совет журналистикасининг ленинча принциплар асосида шаклланиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди, маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Ўз фаолиятида ҳамиша партия, халқ билан ҳамнафас, ҳамфикр ва ҳамқадам бўлишга интилган, журналистлик қалами билан республикамизда социалистик тузум зафарияти учун фидокорона кураш намунасини кўрсатган бу қаламкашнинг номи ва ижодий мероси кўпчиликка номаълумдир. Унинг ижодини ўрганиш журналистикамиз тарихи учунгина эмас, балки ҳозирги кунимиз учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

* * *

Аъзам Аюбов 1904 йил 21 августда Тошкентда туғилди. У бошланғич маълумотни эски усулдаги мактабда олди, сўнгра, 1918 йилда етти йиллик «Намуна» мактабига ўқишга кирди. Бироқ унга мактабни тугаллаш насиб бўлмади. Отасининг бевақт ўлими, уни ва укаларини ота меҳри ва паноҳидан эрта жудо қилди. Ота вафотидан сўнг рўзғор ташвиши она билан оиланинг тўнғич фарзанди Аъзам бошига тушди. 1919 йилнинг бошида 15 ёшга қадам қўйган Аъзам Тошкентдаги «Турон» кутубхонасига китоб ташувчи бўлиб ишга кирди ва рўзғор тебратишда онасига ҳамдамлаша бошлади.

1919 йилнинг декабрида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида Россия Телеграф Агентлигининг Туркистон бўлими томонидан ўзбек тилида «Руста» номли босма газета чиқарила бошланди.

Мазкур газета кўриниши, тузилиши, тили ва мундарижаси бўйича ўша даврнинг энг оммавий наشري бўлиб, у аҳолига ижтимоий-сиёсий тарбия беришда муҳим роль ўйнаган. «Руста» газетаси ёш Совет республикасига қарши ички ва ташқи душманларнинг қуролли ҳужуми кучайган, Ленин байроғи теварагига жипслашган ишчи ва камбағал деҳқонлар оммаси Совет ҳокимиятини сақлаб қолмоқ учун инқилоб душманларига қарши мардона жанг қилаётган бир даврда ташкил бўлди. Газета қисқа-қисқа хабарларда фронт воқеаларини ёритар, социалистик Ватан посбонларининг жасоратини мадҳ қилар, Туркистон ва Тошкент меҳнаткашларининг фронтга кўрсатаётган ёрдамини акс эттирар, ҳаққоний ташвиқоти билан оммани ғалабага, курашга руҳлантириб, ишчи-деҳқонлар ҳокимияти душманларига муро-сасиз ва марҳаматсиз бўлишга ундар эди. Аъзам бу газетанинг ҳар бир сонини бошидан-охирига-ча синчиклаб ўқир, газета унинг ёш қалбида камбағалларни бойлар асоратидан қутқарган Совет ҳокимиятига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиб мустаҳкамлар, меҳнаткашларни яна оч-лик ва қашшоқлик гирдобига ташламоқчи бўлган мулкдорларга, уларнинг манфаатлари учун ку-рашаётган оқ гвардиячиларга, босмачиларга га-заб-нафрат кўзғатарди. «Руста» идораси: «ўқиш-ёзишни биладирганлар газетамизга хабарлар йўллаб туришсин» деган чақириқ билан газетхон-ларга мурожаат қилиб турарди. Ана шу кезлар-да Аъзамда газетачи бўлиш орзуси туғилди. Бу орзу уни «Руста» идорасига бошлаб келди. Ҳа-демай, у ушбу газетанинг кўнгилли ёш даракчи-си бўлиб қолди. Табиатан зийрак ва қизиқувчан бўлган Аъзам газетанинг қандай чиқарилишини билмоқ учун Эски шаҳардаги «Руста» босилади-

ган биринчи сон мусулмон босмахонасига ҳам тез-тез келиб турар, диққат билан газетанинг босилиш жараёнини кузатар, баъзан эса унга корректорлик ишини ҳам ишониб топширишар эди. 1920 йилнинг ўрталарида у ўзбек тилида чиқадиган «Иштирокиюн» («Коммунист») номли республика газетаси идорасига корректор ёрдамчиси қилиб ишга олинди. Шороит тақозоси билан Аъзам ҳам подчидчик бўлиб ишлар, ҳам выпускающчийга шогирдлик қилар, идорама-идора юриб газета учун хабарлар ҳам йиғиб келарди. У ўз зиммасидаги вазифаларни ихлос ва иштиёқ билан бажаришга интиларди. Аъзам 16 ёшидаёқ газетани техник жиҳатдан босмага тайёрлаш ва чиқариш билан боғлиқ бўлган ишларни анча мукамал билиб олганди. Ундаги газетачиликка бўлган зўр қизиқишни пайқаган биринчи ўзбек совет журналистлари: Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Вали Алломов, Ғози Юнуслар Аъзамни ўз қанотларига олиб, унга мураббийлик қилишди.

Аъзам Аюбов ижтимоий-сиёсий онгининг шаклланишида «Руста» ва «Иштирокиюн» газеталарининг таъсири катта бўлди.

1920 йилда А. Аюбов комсомол сафига кирди. У Тошкент Эски шаҳар Комсомол ташкилотининг фаолиятида актив иштирок этди.

1921—1924 йиллар мобайнида Аъзам Аюбов «Иштирокиюн» газетасининг издошлари — «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталарининг идораларида адабий ходим, бўлим бошлиғи, масъул котиб ёрдамчиси вазифаларида замондош ҳамкасб дўсти Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» китобида таъкидланишича, «жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди», У кезларда ўзбеклардан газетачилар ҳам, мат-

баачилар ҳам жуда оз эди. Газета материалининг қарийб ҳаммасини идорадаги 4—5 ходимнинг ўзигина ёзар, босилган газетани тарқатиш ҳам шуларнинг зиммасида эди. Шароит тақозосига кўра, ҳар бир газетачи матбаа ишларидан албатта хабардор бўлиши талаб қилинар, чунки ҳарф терувчи ёки выпускающий бетоб бўлиб қолса, ёки бирон бошқа сабаб билан ишга келмаса, газетачи унинг ўрнини эгаллаган ҳоллар тез-тез бўлиб турарди. Аъзам Аюбов газетачи сифатида ана шундай шароитда шаклланди, тобланди. Тинимсиз машқ, ижодий изланиш туфайли унинг қаламкашлик қобилияти ҳам тез намоён бўла бошлади. У хабарлар билан бирга газетанинг мақола, фельетон, тақриз сингари мураккаб жанрларида ҳам дадил машқ қилишга киришди, таҳрирчилик кўникмасини эгаллади, редакция секретариатининг ишларини уюштириш ва бошқаришда фаол қатнашиб, котиблик малакасига ҳам эга бўла борди.

Мазкур даврда партиямиз матбуот фаолиятини доҳий Ленин кўрсатмалари ва режалари асосида қайта қуриш учун қизгин кураш олиб борди. Партия комитетлари ва журналистлар олдига матбуотни ҳаётга яқинлаштириш, унинг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш, ташкилотчилик ролини кучайтириш, шакл ва мундарижасини ишчи-деҳқон оммасига тушунарли ҳолга келтириш, матбуот ишига меҳнаткашлар оммасининг илғор намояндаларини актив қатнаштириш йўли билан газеталарда социализм қураётган ишчи ва деҳқонлар оммасининг эҳтиёжларини тўла ёритиш ва бошқа муҳим вазифалар қўйилди. Аъзам Аюбов ўз фаолиятига ана шу вазифаларни асос қилиб олди, уларни рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилди.

У билимини ошириш ҳақида қайғуриб, ишдан ажралмаган ҳолда аввал ўрта мактабни тугатди, сўнгра САГУнинг ижтимоий фанлар факультетида таҳсил кўриб олий маълумотли бўлди.

1924 йилда ўзбек халқи ҳаётида жуда катта тарихий воқеа рўй берди. Шу йил октябрда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР тузилиб, ўзбек халқи тарихда биринчи марта ўз миллий суверен давлатига эга бўлди. Ўзбекистон ССР ташкил топгандан сўнг ўлкамизда социализмнинг иқтисодий ва маданий негизларини вужудга келтириш учун кураш янада авж олди. Октябрь инқилоби билан бирга туғилган ўзбек совет матбуоти ҳам ўз тараққиётида олға томон катта қадам ташлади. 1924—1929 йиллар мобайнида Ўзбекистонда бир қанча янги газета ва журналлар ташкил қилиниб, республика вақтли матбуотининг тармоғи анча кенгайди. Будаврда республика партия ташкилоти ҳам ташқи кўриниши, ҳам мазмуни, ҳам тили жиҳатидан кенг ишчи-деҳқонлар оммасига тушунарли бўлган оммавий-нашрлар ташкил қилишга алоҳида аҳамият берди. 1925 йил февраль ойидан Ўзбекистон Коммунистик большевиклар партияси ҳамда республика Қўшчилар Союзи Марказий Комитетларининг органи бўлиб чиқа бошлаган «Камбағал деҳқон» газетаси (1930 йилдан бу газета «Колхоз йўли» номи билан давом этган — Т. П.) ва 1925 йил ноябрь ойида ташкил қилинган «Ер юзи» журнали (ҳозирги «Гулистон» журналининг биринчи ўтмишдоши — Т. П.) шундай нашрлардан эди. Ўзбекистон ССР тузилгандан кейин ўзбек тилида чиқа бошлаган кўпчилик газета ва журналлар республика партия газетаси — «Қизил Ўзбекистон» идо-

расининг нашри сифатида майдонга келган. Улар бевосита шу газета ходимларининг фаол иштироки ҳамда раҳбарлигида вужудга келиб, чиқиб турган. Мавжуд тарихий манбалардан маълум бўлишича, Аъзам Аюбов журналист Муҳаммад Ҳасанов ва Зариф Баширийлар билан биргаликда «Қамбағал деҳқон» газетасини ташкил этган, унинг идорасида Зариф Баширийдан сўнг 1925 йилнинг июлидан 1926 йилнинг июлига қадар саркотиб бўлиб хизмат қилган. Бу даврда у 21 ёшда эди. Аъзам Аюбов «Қамбағал деҳқон» газетасининг оммавийлигини таъмин этиш, айниқса газета тилининг деҳқонлар оммасига тушунарли ҳолга келтириш учун кўп меҳнат сарф қилди. Уша йили ёзда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редколлегияси унга яна бир муҳим, масъулиятли вазифани топширди. Шу даврда республика партия ташкилоти ўзбек тилида кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган «Огонёк» типидаги ижтимоий-сиёсий, адабий ва суратли-оммавий журнал ташкил қилиш тўғрисида кўрсатма берган эди. Бу топшириқнинг Аъзам Аюбов зиммасига юкланиши бежиз эмасди. Унинг редакция ишларини пухта уюштира олишидан ташқари, ёш адабий ҳаракатга мансублиги, адабий кучлар билан мустақкам боғланганлиги, иллюстрация материалларини танлашда юксак дид билан иш кўриши ва бошқа ибратли фазилатлари ҳисобга олинган эди. Аъзам Аюбов ўзига билдирилган бу юксак ишончни оқлади. 1925 йилнинг ноябрида у ўзбек ўқувчиларига «Ер юзи» номли 15 кунда бир топқир чиқадиган янги журналнинг биринчи сонини туҳфа қилди. Бу сон Улуғ Октябрь социалистик революциясининг саккиз йиллигига бағишланган эди. Аъзам Аюбов мазкур журналнинг ташкилот-

биринчи саркотиби¹ ва амалда биринчи му-
ҳари ҳам эди. Журналнинг мавзу доирасини
беллаш, унга муаллифлар танлаш, материал
йиғиш, йиғилган материалларни таҳрир қилиш
ва таҳрирга тайёрлаш, журналнинг вақтида чиқиш
турини таъминлаш — бу ишларнинг ҳаммаси-
ни журнал фаолиятининг дастлабки вақтларида
кўп ҳолларда ёлғиз Аъзам Аюбовнинг ўзи бажар-
ган. «Ер юзи» журнали дарҳол ўқувчиларнинг
эътиборини қозонди. Бу тўғрида «Ўзбек вақтли
матбуоти тарихига оид материаллар» китобининг
муаллифи Зиё Саид мана шундай ёзади:

«Ер юзи» ўзининг биринчи сони биланоқ
ўқувчилар орасида кутилгандан ортиқ ҳусни та-
важух қозонди. Жуда тез фурсатда ўз ўқувчи-
ларини топди. «Ер юзи» ўз таъсисидан бошлабоқ
ҳали етилмаган маҳаллий мавзуларга қўл ура
бошладди. Унинг энг фарқ этадиган афзал нуқ-
таси «Ер юзи» шудир».²

«Ер юзи»дан ҳам ўзбек журналисткаси ва адабий
ҳаракатчилиги тарихида маълум из қолдирган
«Ер юзи» журнали мундарижасининг бойлиги,
мавзунининг хилма-хиллиги билан ажралиб ту-
ради. Унинг саҳифаларида социализм сари одим-
лаётган навқирон республикамизнинг ҳаёти кенг
ва таҳрирли ёритилган. Журналда иқтисодий,
ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушнинг муҳим
масалаларидан баҳс этувчи қизиқарли мақола-
лар, расмлар, умидли ёш ўзбек совет ёзув-
чилар ва шоирларининг замонавий мавзуларда-

1. Аъзам Аюбов «Ер юзи» журналида расман 1927 йилнинг бо-
шига саркотиблик қилган. Сўнгра бу ишни журнал ходими
Санжаабодлик олиб борган. Мазкур журнал редколлегиясининг
доимий аъзоси бўлган Аъзам Аюбов журналини тайёрлаш ва чиқа-
ришда Сиддиққа ҳамisha кўмаклашиб турган. — Т. П.

2. Зиё Саид. «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материал-
лар». Ташкент — Самарқанд, 1927 йил, 98-бет.

ги шеър ва ҳикоялари, жаҳон ва рус классик, рус совет адабиёти илғор намоёндаларининг нодир асарларидан қилинган таржималар берилган. Ўзбек бадий таржима адабиётига асос солган, ўзбек китобхоналарининг кенг оммасини жаҳоннинг Л. Н. Тольстой, А. П. Чехов, А. М. Горкий, Рабиндранат Тагор, Анри Барбюс, Ги-де Мопассан сингари улкан сўз санъаткорлари ижодига оид намуналар билан биринчи бор таништирган ҳам мана шу «Ер юзи» журнали эди. Москвада чиқадиган «Журналист» номли Бутуниттифоқ журнали ўзининг 1927 йилдаги биринчи сонидида «Ер юзи» журнали ва унинг ташкилотчиси Аъзам Аюбовнинг хизматларини баҳолаб, қуйидагиларни ёзганди:

«Ер юзи» журнали ўзбек вақтли нашрлари муҳаррирларининг Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг матбуот бўлими томонидан ўтказилган кенгашида Ўзбекистон маданий ижодининг энг яхши намунаси деб топилди. Журнал бундай юксак баҳога энг яхши ўзбек журналистларидан бири, журналнинг бутун кучини ўз халқининг маданий эҳтиёжларига сарфлаётган ёш, серғайрат масъул котиби ўртоқ Аъзам Аюбовнинг фидокорона меҳнати туфайли сазовор бўлди».

1927 йилнинг бошида Аъзам Аюбов республика партия газетаси «Қизил Ўзбекистон» редакциясининг котиби лавозимига ишга ўтказилди ва у бу масъулиятли вазифада 1937 йилнинг сентябрига қадар ҳормай-толмай меҳнат қилди.

20-йилларнинг охирида у, ўзининг асосий вазифасига халақит бермаган ҳолда «Ер юзи» журнали ва «Камбағал деҳқон» газетаси редакцияларининг ишларини олиб боришда, 30-йилларда «Ер юзи»нинг давомчилари сифатида нашр қилинган «Машъала» ҳамда «Гулистон» журнал-

ларининг фаолиятини йўлга қўйишда бош-қош бўлди, «Гулистон» журналида у вақтинча муҳаррир, муҳаррир ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

Аъзам Аюбов масъул котиб зиммасидаги кундалик серташвиш, сермашаққат вазифалар билан ўралашиб қолмай, балки газета ва журналларда бот-бот, баъзи пайтларда эса деярли ҳар куни турли мавзудаги хабар ва мақолалар, фельетон ва тақризлар, лавҳа ва ҳикоялар билан чиқиб турарди. У аксарият материалларига «Аюб», «Аъзам Аюб», «Аъзам», «Газетчи» деб имзо чеккан. А. Аюбов 20-йиларнинг охири ва 30-йилларда айниқса самарали ижод қилди. Аъзам Аюбовнинг мероси республикамизда социализм қуриш борасида Ўзбекистон партия ташкилоти амалга оширган барча муҳим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маиший тадбирларнинг толмас ташвиқотчиси, янги ҳаётнинг оташин жарчиси бўлганлигини тасдиқлайди.

Ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, деҳқончиликни социалистик асосда қайта қуриш, социалистик саноат ўчоқларини яратиш, мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъмин этиш, синфий душманларнинг қолдиқларига ва миллатчиларнинг чиркин мафкурасига қарши кураш, партиянинг ғоявий душманларини фош этиш, янги матбуот, адабиёт, санъат яратиш ва тараққий эттириш, янгича турмуш, янгича оила қуриш ва янгича яшаш учун кураш — булар журналист қаламга олган мавзуларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Аъзам Аюбовнинг журналистлик ижоди партиямиз мамлакатимизнинг ички ва ташқи душманлари билан кескин ғоявий кураш олиб бораётган бир даврда шаклланди. У ўз ижодида социалистик

идеологияни қарор топтириш, кишиларимизда коммунистик эътиқод, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализи туйғуларини кучайтириш, меҳнаткашларни социализм ғалабасига тўла ишонч руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қилди. «Биз, — деб ёзган эди у мақолаларидан бирида, — ўзимизнинг социализм Ватанимизни қуриш учун бутун борлигимиз билан олиш-тутарга чиқамиз... Биз бу боришимизда ўлиш учун эмас, енгиш учун борамиз. Енгишга ишонамиз, чунки пролетариат енгиш учун, ёруғ дунё қуриш учун туғилган».

Аъзам Аюбов 1927 — 1932 йилларда Улуғ Октябрь инқилоби ғояларининг буюк ҳаётий кучини, совет воқелиги, социалистик ижтимоий тузум афзалликларини ҳаётдан олинган далиллар воситасида моҳирона намойиш қилувчи бир қатор сермазмун публицистик мақолалар ёзди. «Ғамхоналардан кошоналарга», «Чирчиқда азамат қурилишлар», «Тараққиётнинг капиталистик даврини четлаб» сарлавҳали ва бошқа мақолаларда журналист ўтмишда хон ва амирлар, рус муштамакчилари зулми остида эзилган ўзбек меҳнаткашларининг социалистик инқилобдан кейинги саодатли турмуш, социализм қуриш борасида қўлга киритаётган улкан зафарлари ҳақида фахр-ғурур билан сўзлайди, янги ғалабалар сари чорлайди: «Бизда, — деб ёзган эди у, — аниқ ва кўз олдимизда бутун манзараси билан равшан турган мақсадга — синфсиз, эксплуатациясиз жамиятни қуришга интилиш ва шунинг учун кураш ҳаваси мавж уриб туради».

Республика партия ташкилоти ва ҳукуматининг 20-йилларнинг иккинчи ярмида хотин-қизларни паранжи асоратидан қутқариб, уларни социализм ижодкорлари сафларига жипслаштириш

учун олиб борган курашида — «Хужум» ижтимоий-сиёсий маъракасида журналист Аъзам Аюбов айниқса жонбозлик кўрсатди. Шу кезларда унинг «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» газеталари ва «Ер юзи» журналида хотин-қизлар озодлиги мавзудаги ўзбек вақтли матбуотида эълон қилинган энг оммабоп ва сермазмун материаллар қаторидан жой олувчи талайгина мақолалари босилиб чиқди. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш манзарасини ёрқин гавдалантирувчи «Эркин йўлдошлар» (1927 йил) сарлавҳали публицистик мақоласида журналист паранжига қарши ҳужум шиори кенг халқ орасида ўзига мустаҳкам замин топганлигини қувонч билан тилга олади, дастлабки ғалаба яқунларини жамлайди. Журналист хотин-қизлар озодлигининг социал аҳамиятини оммага тушунтиришга алоҳида эътибор қилади. «Хотинларнинг паранжидан қутқозишининг ўзи, — деб ёзади у, — уларни тамом озодликка чиқаришдан иборат эмас. Аммо бу уларни юзага чиқаришда бир омил. Ҳукумат томонидан очилган корхоналар, артеллар, кооперативлар, мактаблар, шўролар ва ижтимоий ишлар хотинларни озодликка чақиришда асосий йўлларнинг аввал бошдан оқ мавжуд эканини кўрсатади». Хотин-қизларнинг чинакам озодлиги учун курашнинг асосий мақсади уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини амалда таъминлашдан, мамлакатнинг ижтимоий сиёсий ва ҳўжалик-маданий ҳаётида актив иштирок этишига эришишдан иборатдир, деган фикр журналистнинг шу мавзудаги «Оқибат пардоз» номли мақоласига ҳам сингдирилган. Бу фикр мазкур мақолада Ўзбекистон хотин-қизлари тақдирида юз берган ўзгаришларни Туркия аёлларининг турмуши билан таққослаш орқали юзага чиқарилади. Маълумки, ўша давр-

да Туркияда хотин-қизлар масаласида ислоҳот ўтказилиб, хотин-қизларнинг чодра ёпиниши бекор қилинган эди. Аъзам Аюбов бу ислоҳотдан асосан оқсуяк, бой хотинларгина фойда кўрганини, ислоҳот уларга мешчанларча ҳаёт кечириш, пардоз-андоз учун кенг йўл очиб берганини, меҳнаткашларнинг хотин ва қизлари эса аввалгидек уй чўриси бўлиб қолаётгани, улар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда қатнашмоқ учун сиёсий ҳуқуқ ва моддий имкониятлардан бутунлай маҳрумлигини далиллар асосида кўрсатиб беради, ўқувчилар оммасида мамлакатимиз хотин-қизларини чинакам озодликка олиб чиққан социалистик революция, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига меҳр-муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Улуғ Октябрь инқилобининг 10 йиллик байрами нишонланаётган кунларда «Ер юзи» журнали Аъзам Аюбовнинг хотин-қизлар озодлиги мавзусида улуғ байрамга бағишлаб ёзган «У кун ва бу кун» сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Бу мақола журналист ижодининг энг яхши намуналаридан биридир. Қаламкаш Улуғ Октябрь инқилабининг ўзбек аёлларига келтирган шарофатини, хотин-қизларни уй чўрилигидан қутқариб ижтимоий-сиёсий ҳаётга ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш борасида эришилаётган дастлабки ютуқларнинг манзарасини журналхон кўз ўнгида маҳорат билан мана шундай гавдалантиради:

«Ҳеч кимнинг назари илмаган бир камбағал ўзбек хотини бу кун ўзининг одамлигини, пролетариат ҳокимияти даврида, эркинчилик замонасида ҳар бир эркак билан барабар меҳнат қила олишини очиқ кўрсатди. Қишлоқ ижроқўмида раиса, артелда бошлиқ, марказ ҳукуматда бир

вазифашунос, фабрикада ҳеч бир нуқсонсиз ишчи, трамвайда ҳар куни минглаб кишилар билан жавоб-муомала қиладиган кондуктор, судда ҳақни ноҳақдан ажратувчи мукамал адлиячи, ер ислоҳатида ер олиб мустақил меҳнат қилувчи деҳқон хотин, хотин-қизлар шуъбасида ўз ишини ўзи олиб борадиган мудира, улуғ митингларда ҳеч ҳайиқмасдан, «шарм ҳаё»дан қўрқмасдан сўзловчи нотиқа, театрда ўз ролини мукамал ва ширин ижро этувчи артистка, лабораторияда нозик таҳлилчи, юзлаб мактабларда мураббия ва муаллима... ҳар хил мактабларда, махсус билим юртиларида, Москвада, Ленинградда ҳар хил илмга ўқиғувчи минглаб қизлар, хотинлар... Буларнинг ҳаммаси Октябрнинг шарофатидир».


Унинг «Турсун — Ой эди», «Чатоқ муаммо», «Бўйдоқлар» сарлавҳали мақолаларида ҳам хотин-қизлар озодлигига тааллуқли давр учун актуал масалалар тилга олинган.

Феодал ўтмишнинг турмушдаги, кишилар онги ва хулқидаги сарқитларини фош қилиш — Аъзам Аюбов ижодининг етакчи мавзуларидан ҳисобланади. Журналист бу мавзуда 20-йилларнинг иккинчи ярмида айниқса самарали ижод қилган. Мазкур мавзу ўша давр матбуоти ва адабиётида жуда кенг ва хилма-хил шаклларда ёритилган. Аъзам Аюбов қаламининг тифини кўпроқ эскиликнинг маиший ва оилавий турмушдаги мавжуд сарқитларига йўналтирган бўлиб, бу мавзуни ишлашда шу жиҳати билан ўша даврдаги бошқа журналистлардан ажралиб туради. Масалан, у «Ҳандақлар» ҳажвиясида пул топиб, ақл топмаганлар, ортиқча чиқим-харажат қилувчи исрофгарларни танқид остига олса, «Сўлак» сарлавҳали ҳажвиясида «Қимматга ботинка қийгандан кўра ота-бободан қолган арзон кавшни

сп. 22716/3.

кийсалар худди каллалари кесиладургандек» деб ёшлардан, уларнинг замонавий кийим-кечак кийишга интилишидан зорланувчи бозори касод, «модага эргашишни» истамовчи косиблар, ҳунармандлар устидан кулади. Аъзам Аюбовнинг оилавий турмуш масалалари ёритилган материаллари ичида «Ғойибона ишқ ва ғўшанга», «Хатланган турмуш» лавҳалари алоҳида ўрин тутади. Биринчи лавҳада журналист оила қуришдаги совчилик одатини кескин қоралайди, унинг оилавий бахтга, тинч-тотув яшашга путур етказишини турмушдан олинган эпизод тасвирида ишонарли қилиб кўрсатиб беради, «совчилар келин билан куёвнинг ўзлари бўлсин» деган ҳақиқий фикрни ташвиқ қилади. «Ер юзи» журнаlining 1928 йил 2(35)-сонида босилган «Хатланган турмуш» лавҳасида журналист никоҳ шуъбаси — ЗАГС фолияти ҳақида ҳикоя қилади, мисоллар воситасида меҳнаткашларнинг «диний хурофотдан, домла-имомлардан юз ўгириб» никоҳни ЗАГС орқали расмийлаштириш учун интилаётганликларини кўрсатади. Унинг «Қиёматли уч талоқ», «Рашиднинг қайғуси»¹, «Чойнакнинг янги вазифаси» каби бошқа ҳажвия ва фельетонларида ҳам турмушдаги зарарли урф-одатлар, расм-русмлар, айрим кишилар хулқида учрайдиган манманлик, меҳнатдан бўйин товлаш, худбинлик, ичкиликбозлик, безорилик сингари иллатлар фош қилинган. Бу мисоллар Аъзам Аюбовнинг соғлом совет оиласи қуриш учун, социалистик ахлоқ нормаларини шакллантириш учун қизғин ташвиқот юргизганини, янги давр кишисини тарбиялаш маса-

¹ „Ўзбекистон“ нашриёти 1967 йилда босиб чиқарган „Чаккига дакки“ номли тўпламда Аъзам Аюбов қаламига мансуб бўлган „Рашиднинг қайғуси“ сарлавҳали фельетон Собир Абдулла асарлари қаторига нотўғри киргизилган.— Т. П.



ласига ўз ижодида катта ўрин берганлигини равшан кўрсатиб турибди.

Аъзам Аюбов қаламкашлик маҳорати билан ҳам ўз давридаги кўпчилик журналистлардан ажралиб турарди. У содда, тушунарли ёзишга интилар, умумий сўзлардан иборат тумтароқли жумлаларни ёқтирмасди. У ҳатто энг чигал ва мураккаб масалалар моҳиятини ҳам содда, ихчам ва таъсирли ифодалай оларди. У ёзган асарларининг мазмуни ҳақидагина эмас, шакли тўғрисида ҳам жиддий бош қотирар, тилининг тушунарли, таъсирли, жонли бўлиши учун кўп меҳнат сарфларди. Сарлавҳа қўйишдаги унинг маҳоратига кўпчилик тан берган. «Мақолага сарлавҳа қўйиш ҳам бир санъат. Сарлавҳа шиор эмас, ёзилган асарнинг тожидир, дейишади. Бу ҳақда Аъзам Аюбов ва Комил Алиевлар «Қизил Ўзбекистон» редакциясида кўп бош қотирганлари бизга маълум. Айниқса фельетон ва ҳикояларнинг сарлавҳаларига ўша вақтларда катта эътибор бериларди»¹— деб эслайди таниқли шоир ва журналист Собир Абдулла.

Аъзам Аюбовнинг ижодий меросида матбуот проблемаларига оид мақолалар катта ўрин эгаллайди. Унинг «Ер юзи»нинг камолга етиши учун йўл-йўриқлар», «Биз айрим дунё эмасмиз», «Хабарчиликдан адабиётчиликка», «Матбуотда зарбдорлик ва коллективлик учун» ва бошқа қатор сермазмун мақолаларида матбуот органларини халқ турмушига, социалистик қурилишнинг амалий вазифаларига яқинлаштириш, журналист кадрлар тайёрлаш, уларнинг маҳоратини юксалтириш, мухбирлар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, вақтли матбуотда эълон қилинаёт-

¹ „Тўёна“, „Совет Ўзбекистони“ газетасининг 50 йиллигига бағишланган махсус нашр. Тошкент, 1968 йил, 9-бет.

ган материалларнинг ғоявий савиясини ва таъсирчанлигини ошириш каби муҳим масалалар кўтарилган, уларни ҳал қилиш тўғрисида қимматли фикрлар баён этилган. Аъзам Аюбов ўзбек журналистикасининг тараққиётини рус совет матбуотининг бой иш тажрибасини ўрганиш, ижодий ўзлаштиришсиз тасаввур этмас эди. Бу жиҳатдан унинг «Биз айрим дунё эмасмиз» сарлавҳали мақоласи ибратлидир. «Ўзбекистон газетачилиги, — деб ёзади муаллиф ушбу мақоласида, — умумиттифоқ газетачилигидан принцип ва мақсад жиҳатидан ҳеч бир айрилмайди; кураш ва йўлбошлаш вазифаси бир». Автор ўзбек журналистларининг қаламкашлик маҳоратини юксалтирмақ, журналистлик касби ва илмининг сир-асноларини тўла эгалламоқ учун рус совет журналистикасининг иш тажрибасини пухта ўрганмоққа даъват этади, бунинг учун рус тилини пухта билиш зарурлигини таъкидлайди. «Русча билмаган журналист қанотсиз қуш сингаридир... Русчани яхши билмай туриб газетачилигимизни турмуш талаб қилган даражага олиб чиқа олмаймиз» деб ёзган эди у.

20-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда ҳам ишчи-деҳқон мухбирлари ҳаракати оммавий тус ола бошлади. 1928 йилнинг кузагида бу ҳаракат сафида 10000 га яқин жамоатчи мухбир, ёки ўша пайтда расм бўлган ном билан атасак, матбуот дракчиси бўлган. Бу ўша давр учун катта ютуқ эди. Бу муваффақият даставвал отахон газетамиз «Қизил Ўзбекистон» идораси амалга оширган катта ташкилий-оммавий ва сиёсий-тарбиявий тадбирлар туфайли қўлга киритилган эди.

Аъзам Аюбов республика партия ташкилоти ва «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редколлегияси мухбирлар ҳаракатини авж олдириш бора-

сида белгилаган барча муҳим тадбирларни амалга оширишда шахсан иштирок этган, ҳам амалий ташкилотчилик фаолияти, ҳам вақтли матбуотдаги чиқишлари билан ўзбек вақтли матбуотида ленинча оммавийлик принципнинг қарор топишига муносиб ҳисса қўшган қаламкашидир. У Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирларининг «Қизил Ўзбекистон» редакцияси ташаббуси билан 1926, 1930 ва 1932 йилларда чақирилган биринчи, иккинчи ва учинчи республика қурултойларини тайёрлаш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатди, мухбирларнинг ёзиш кўникмасини ошириш, маънавий-сиёсий савиясини юксалтириш мақсадида «Қизил Ўзбекистон» редакцияси ташкил қилган тўғарак ва семинарларнинг фаолиятига раҳбарлик қилди, буларда газетачиликка оид муҳим мавзуларда шахсан суҳбатлар ўтказди, лекциялар ўқиди. У саркотиблик ишлари билан доим жуда банд бўлишига қарамай, газетанинг фаол мухбирлари билан ҳам жонли, ҳам хат орқали алоқа боғлаб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиб турар, ёзиб келган хабар-мақолаларини газетабоп қилиб ишлашда мухбирлардан вақт ва меҳнатини сира аямас эди. «Мен,—деб ҳикоя қилади «Қизил Ўзбекистон» газетасининг собиқ қишлоқ мухбири Усмон Муҳаммедов,¹—Ўзбекистон матбуоти даракчиларининг 1926 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган биринчи қурултойида вакил сифатида қатнашган эдим. Ўз зам акани мен қурултойдан олдин ҳам билардим. У Тошкент ва унинг атрофидаги қишлоқлардан «Қизил Ўзбекистон» ҳамда «Қамбағал деҳқон» газеталарига хат-хабар ёзиб турадиган мухбирларнинг қарийб

¹ Усмон Муҳаммедов узоқ муддат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. Ҳозир шахсий пенсионер.

ҳаммасини шахсан танир эди. Қурултой кунларида республикамизнинг турли чеккаларидан қурултойга вакил бўлиб келган даракчилар билан мухбирликка доир ишлар юзасидан редакцияда, шунингдек, қурултой ўтаётган бинода суҳбатлар ўтказгани, кўпчилик мухбирларнинг адресларини ёзиб олиб, уларга махсус топшириқлар бергани ҳали-ҳали ёдимдан кўтарилмайдими».

Аъзам Аюбовнинг жамоатчи мухбирларга, умидли ёш қаламкашларга қандай меҳрибон ва талабчан устоз бўлганлигини унинг 1927 йилда бухоролик қишлоқ мухбири Рустам Абдурахмоновга² йўллаган қуйидаги мактубидан янада яққолроқ кўриш мумкин. «Мулла Рустам! «Санамасдан саккиз деманг!» сарлавҳали фельетонингизни «Муштум»га бердик. Сиздан Ғиждувон уездидаги мактаб-маориф, саводсизликни тугатиш, деҳқончилик ишлари, ер ислоҳотидан ер олган батрак-камбағалларнинг қандай ишлаётганликлари, қарз шеркатларининг уларга бераётган ёрдами ҳақида ва бошқа масалалар хусусида хабар-дараклар кутамиз.

Айтгандай мухбирлигингиз учун синфий душманларнинг Вағонзеда Сизга қилган қуроли ҳужуми ҳақида «Озод Бухоро» газетасида босилган фельетонни ўқиб жуда афсусландик. Бўш келманг, қўрқоқлик қилиб қаламни қўлдан ташламанг! Биз редакция номидан жумҳурият прокурорига маълум қилиб, мухбирларга ҳужум қилувчиларни қаттиқ жазолашни талаб этамиз. Салом билан Аъзам»¹

¹ Ўз фаолиятини жамоатчи мухбирликдан бошлаган Рустам Абдурахмонов кейинчалик моҳир журналист, редактор ва таржимон бўлиб етишди. Ҳозир шахсий пенсионер — Т. П.

² „Тўёна“, 6-бет.

асар», «Артистнинг тили» каби ва бошқа ўнлаб кино, сахна ва бадий адабиёт асарларига, китобларга ёзилган тақризлар муаллифидир. У ўзбек матбуотида тақриз жанрини шакллантириш, уни коммунистик пропаганданинг муҳим воситасига айлантиришга баракали ҳисса қўшган журналистларимиздандир. У ижтимоий ҳаётнинг ҳар жабҳасида рўй бераётган янгиликларни диққат билан кузатиб борганидек, адабиёт-санъат фронтидаги ўзгаришларни ҳам эътиборидан қочирмади, бу соҳадаги ибратли ташаббусларни қизгин қўллаб-қувватлади, кенг ташвиқ қилди, зарarli уринишларга, ғоявий бемаъни, эстетик тубан асарларга муросасизлик билан қарши чиқди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Аъзам Аюбов адабиёт ва санъат масалаларига оид илк мақолаларидаёқ бадий ижодчиликка тааллуқли кўпгина масалаларни нозик идрок этган, янги адабиёт ва санъат қандай ғоявий-эстетик шартлар асосида ривожланиши, унинг тараққиёт йўллари тўғри англаган ва бу соҳадаги қарашларини дадиллик билан ташвиқ қилган. Биргина мисол. «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1928 йил 88-сонидан бошлаб жамоатчиликнинг фикрини билиш мақсадида Ўзбекистон кино трестининг биринчи йирик маҳсулоти — «Равот қашқирлари» фильми ҳақида мунозара очди. Бунда биринчи бўлиб, ёзувчи ва журналистлардан Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Комил Алиевлар иштирок этишди. Мунозара Аъзам Аюбовнинг «Равот қашқирлари» тўғрисида томошабинлар билан бирга кенг баҳс ва мунозара очамиз» сарлавҳали мақоласи билан очилган бўлиб, муаллиф унда мунозаранинг мақсадини, унинг йўналишини тушунтириб, мунозара қатнашчиларининг эътиборини филмда

қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши ва уларнинг босмачиларга қарши кураши қанчалик реал акс эттирилганлигини аниқлашга йўналтиради: «Бизда,— деб ёзади Аъзам Аюбов,— босмачилар билан курашган йигитлар, қишлоқнинг ич-ичларини биладурғонлар жуда кўп. Улар «Работ қашқирлари»нинг ҳақиқатдан қанчалик узоқ эмаслигини очиқ кўрсатсалар жуда катта ёрдам бўларди. Чунки баъзи ўртоқлар қишлоқнинг турмушини шаҳар кўзи билан ўлчаб, воқеага тўғри баҳо бера олмайдилар». Журналист шу мақолада танқид оҳанги, руҳи хусусида ҳам асосли фикрни илгари суриб: «Ғараздан холи ва холис танқид ҳар доим ишнинг соғлом ва чаққон боришига хизмат этади»,— деб уқтиради. Ёзувчи, шоир ва драматургларнинг ўз асарларида ҳаётни ҳаққоний акс эттиришлари тўғрисида бу мақолада ифодаланган фикр Аъзам Аюбовнинг кейинги йилларда яратган қатор мақола ва тақрирларида янада равшан, асосли равишда тарғиб қилинди. Журналист адабий-драматик асарларда янги турмуш қураётган ишчи, деҳқон ва меҳнаткаш зиёлилар оммасини асосий қаҳрамон сифатида гавдалантириш ғоясини ҳам изчил илгари сурди.

Аъзам Аюбов «Ер юзи» журналида босилган «Сафар жабдуғи» сарлавҳали мақоласида қалам аҳллари юртни, меҳнаткаш халқ турмушини пухта ўрганишга даъват этиб бундай ёзган эди: «Ўлкани ўрганиш масаласи айниқса бизнинг ёшларнинг ёзувчи табақасига жуда зарурдир. Ёш шоирларимиз, адабиётчиларимиз, журналистларимиз етишиб келмоқдалар. Агар улар шаблонлардан, асарларидаги заифликдан, ғайритабиийликдан қутулмоқчи бўлсалар, албатта ҳар йил ўлканинг маълум жойларига саёҳатга

бормоқлари, қишлоқни, деҳқонни, мамлакатнинг завод, фабрикаларини ўрганмоқлари зарурдир. Ёзувчи одам ўзининг мия ва кўз муҳитини кенгайтирмаса, турмушнинг «икир-чикирлари»га араллашиб, ўзининг сезги асабларига озиқ бермаса иложи йўқ, ул умумий оқимдан кейинда қолади».¹

Аъзам Аюбов жаҳон ва рус классик ҳамда рус совет адабиётининг оташин тарғиботчиси эди. «Толстой кунда зарур бир тилак» (1928 йил), «Хушомад эмас, ҳурмат» (А. М. Горький ҳақида. 1931 йил) каби сермазмун публицистик мақолаларида у ўзбек газетхонларини рус адабиётининг икки буюк намояндаси билан таништирди. «Толстой кунда зарур бир тилак» сарлавҳали мақола яна шу жиҳатдан принципиал аҳамиятга эгаки, унда журналист дунёда катта ўрин тутган рус адабиёти машҳур намоёндаларининг ноёб асарларини ўзбек тилига таржима қилишни кенг кўламда бошлаш масаласини кўтариб чиққан, бу ишнинг ёш ўзбек совет адабиётининг равнақи, айниқса адабиётимизда бадий проза ва драматургия сингари янги адабий жанрларнинг шаклланишида, маънавий дунёси кун сайин ўсиб бораётган ўзбек китобхонларининг бадий асарларга бўлган завқини тўлароқ қондиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган.

Аъзам Аюбов ўзбек бадий таржима адабиётини яратиш шиорини кўтариб чиқиш билан бирга, ўзи ҳам бундай адабиётни вужудга келтириш ишига дадил қўл урди. У Л. Толстойнинг «Кавказ асири» қиссасини, К. Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси» пьесасини, улуғ ҳинд адиби

¹ „Ер юзи“, 1928 йил, 9-сон, 15-бет.

Рабиндранат Тагор, француз ёзувчиси Анри Барбюс ва бошқа бир қанча машҳур сўз санъаткорларининг асарларидан таржима қилиб, ўзбек китобхонларига армуғон этди. У Сервантеснинг жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналаридан бўлган «Дон Кихот» асарини ўзбек тилига таржима қилиш учун ҳозирлик кўра бошлаган эди...

Журналист Аъзам Аюбов сиёсий асарлар таржимони сифатида ҳам танилган эди. У улуг йўлбошчимиз В. И. Ленин асарларидан таржималар қилиб, ўзбек меҳнаткашларининг ўз она тилида доҳий таълимоти билан танишмоғига, унинг абадий барҳаёт ғояларидан баҳраманд бўлишига кенг йўл очганлардан биридир. У сиёсий адабиёт таржимаси билан шуғуллана бошлаган ёш қаламкашларнинг кўпига мураббийлик қилган.

А. Аюбовнинг тил, имло соҳасидаги хизматлари ҳам эътиборга сазовордир. Аъзам Аюбов республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев раислигида тузилган республика лотинлаштириш комитетининг аъзоси эди. У араб алифбесидаги ўзбек ёзувини лотин алифбеси асосидаги янги графикага ўтказишда, хусусан лотин алифбесини матбуотга жорий қилишда кўп меҳнат қилди. Аъзам Аюбов қаламига мансуб бўлган «Бурро тил учун», «Хабарчиликдан адабиётчиликка», «Артистнинг тили», «Сафар жабдуғи» каби мақола ва тақризларда ўзбек адабий тилини халқ тили асосида тараққий эттириш, унинг тушунарли бўлиши учун кураш ғояси илгари сурилган, матбуот, адабиёт ва санъат аҳллари халқ тилини мукаммал ўрганишга, тил бойлигини муттасил оширишга, эҳтиросли ва тушунарли тилда ёзиш ва сўзлашга даъват этилган.

У бундай ёзган эди: «Ёшлар орасида тилга нўноқлик очиқдан-очиқ кўриниб туради. Улар шунинг учун ҳар хил майда нарсалар, кичкина атамалар юзасидан қийналиб, тилнинг камбағаллигидан зорланадилар. Дарсларда, асарларда, маълум муҳит орасида бўлган маълум камият (миқдор)даги сўзлар билан иш кўриб, ўз йўлида жуда ҳам бой бўлган жонли тилдан ажралиб қоладилар. Жонли тилни фақат кезиш, кўпларнинг турмушига, меҳнатига аралашиб билангина топиш мумкин»¹. Аъзам Аюбовнинг В. И. Лениннинг «Рус тилини тозалаш тўғрисида» деган мақоласидан руҳланиб ёзилган «Бурро тил учун» (1932 йил) ҳажман кичик, аммо мазмунан теран мақоласида биз ушбу сатрларни ўқиймиз:

«Тил бир шакл бўлиш сифати билан социализм жамияти қуриш, идея ва курашларнинг турли ва бой мазмунини ифода қилиш учун энг кучли инсон қуролидир.

Ленин мафкура фронтининг бу соҳасига жуда жиддий диққат берар ва оммага таъсир этишда тилнинг ўткир бўлувини талаб қилар эди. Тилнинг ўткирлиги эса унинг ишчи-деҳқон кўпчилигига англаширлик бўлувидир.

Тил — бой мундарижамизни оммага етказишда таъсирли, кучли бўлсин. Демак у — меҳнаткашлар оммасига тушунарли ҳолда ишлансин»².

Аъзам Аюбов адабий ҳаракатни ривожлантиришдаги хизматлари ва сермахсул ижодчилик, таржимонлик фаолияти учун 1934 йилда СССР Ёзувчилар Союзи аъзолигига қабул қилинди.

Аъзам Аюбов моҳир саркотиб ҳам эди. Газета ва журнал редакцияларининг кундалик иш-

¹ „Ер юзи“, 1928 йил, 9-сон, 15-бет.

² „Қизил Ўзбекистон“, 1932 йил, 5 май.

ларини ташкил этиш ва бошқариш борасида у юксак малакага эга бўлган. Унинг бу соҳадаги фаолияти, тажрибаси, амал қилган шартлари — махсус тўхталиб ўтишга арзийди.

Аъзам Аюбовнинг котиблик лаёқати «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида тўла намоён бўлди. Кундалик газетанинг ҳар бир сонини тайёрлаш ва чиқариш билан боғлиқ бўлган барча ишларни тезкорлик билан бошқариш осон иш эмас. Котиблик вазифаси — чаптаст қаламкаш ва ишбилармон раҳбар, уста таҳрирчи ва моҳир ташкилотчи, билимдон ва сермулоҳаза, эпчил ва ғайратли ходим бўлишни талаб қилади. Бу фазилатлар Аъзам Аюбовда тўла мужассам эди. У ўз гарданидаги масъулиятли ва сермашаққат вазифани моҳирона уддалай олиши билан касбдош дўстларининг таҳсинига сазовор бўлганди. Газета номерининг макетини тузиш, бўлимлардан секретариатга тушадиган материалларни кўздан кечириш, лозим бўлса уларга сайқал бериш, техник жиҳатдан нашрга тайёрлаш, метранпажнинг ишига раҳбарлик қилиш — хуллас масъул котиб зиммасидаги газетанинг ҳар бир сонини жанговар, мазмунли, ўқимишли, кўришнишли, саводли қилиб чиқариш билан боғлиқ бўлган кундалик ижодий, ташкилий, техник, хўжалик-маъмурий ишларнинг ҳаммасини Аъзам Аюбов ҳамини сидқидилдан ва ихлос билан бажарарди. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, Аъзам Аюбов ишлаган кезларда, айниқса 20-йилларда газетачилик ишини, айниқса унинг яратилиш жараёнини пухта бошқара биладиган журналистлар жуда кам бўлган. У вақтларда секретариат ишини кўпинча саркотибнинг ёлғиз ўзи бажарар, унинг муовинлари бўлмас, муовинликка ярайдиган кишилар бошқа редакциялар-

ди. Шунинг назарда тутсак, Аъзам
дан ортмас эркинлик вазифасида қанчалик тер тў-
Аюбов котиб. Шунинг янада яққолроқ тасаввур этамиз.
киб ишлагани Аюбов ижодий фаолиятида ҳам, сарко-

Аъзам Аюбов ҳам мазмун билан шакл бирлигига
тиблик ишида қилган. Бу унинг журналист сифати-
қатъий риязи азилатларидан биридир. У мақола-
даги муҳим фикр да мана бундай деган эди: «Қуруқ
ларидан бири талаб олиб, мазмунни камситиш, ёки
шаклни ушлаб олиб, мазмунни камситиш —
яланғоч мазмун шакlining диалектик бирлигини
мазмун билан шаклнинг диалектик бирлигини
англамаслик шаклни англаган ҳолда бунга рия қил-
маслик идеализм ботқоғига ботишдир»¹. Аъзам
Аюбов секретариат ишлари билан қизиқувчи
шоғирдларига «материал мазмун ва шакл томо-
нидан қанчалик мувофиқ шаклда берилмаса, ре-
та саҳифасида мақсадига тўла эриша олмайди,
дакция кузатишдан мақсадига тўла эриша олмайди,
бундай материал кўпчилик газетхон назаридан
деб уқтирарди. У саркотиб сифа-
четда қолади» деган тушаётган материалларнинг
тида бўлимларнинг пухта ишланишини қаттиқ талаб
тил жиҳатида бирга, тайёр материалларни саҳи-
қилиш билан техник жиҳатдан саводли жойлашти-
фага тўғри, техник жиҳатдан саводли жойлашти-
ришга, уларни шаклга тушириб беришга жуда
қила оладиган қилган. Аъзам Аюбов таъби нозик,
катта эътибор қаламкашлардан эди. Унинг бу ху-
диди юксак қаламкашлардан эди. Унинг бу ху-
сусиятлари у тузган саҳифаларда ҳам ўз ифода-
сини топган.

Аъзам Аюбов газетанинг навбатдаги ҳар бир
сонининг режасини тузар экан, у мазкур сон га-
зетхон учун нима янгилик беришини, унинг маъ-
навий дунёсини нима билан бойитишини сира

¹ „Қизил Ўзбекистон“, 1932 йил, 5 май.

назардан қочирмас ва шуни ҳисобга олиб макет тузарди. У тузган саҳифалар яна шундан далолат берадики, Аъзам Аюбов материалларни саҳифаларга жойлаштираётганда ҳар бир газетхон саҳифалардан ўзи қизиқадиган материалларни осонлик билан топа олишига алоҳида эътибор қилган, шу мақсадда материалларни мавзу руҳига қараб хиллаб, уларни махсус рубрикалар, муҳим хўжалик-сиёсий кампаниялар ҳақидаги материалларни эса кўзга дарҳол ташланадиган чорловчи умумий сарлавҳалар, «шапка»лар билан беришга интилган, бунинг учун у партия чақириқларидан, шиорларидан, доҳийларнинг сўзларидан, халқ мақоллари ва ҳикматли ибораларидан фойдаланар, ўзи ҳам ҳаммага манзур бўладиган умумий сарлавҳалар, «шапка»лар ижод этарди. У рубрика ва сарлавҳаларни тўғри танлашдан ташқари, уларни саҳифада тўғри жойлаштиришни ҳам эътибордан қочирмасди. Бунга у асосан газета саҳифасидан тежамли ва ҳарфлардан тўғри фойдаланиш орқали эришар, ўлчови жиҳатидан катта ҳажмли қора ҳарфлардан кўпда фойдаланавермас эди. У тузган кўпчилик саҳифалар кўринишидан оддий, техник жиҳатдан саводли бўлиб, улар ортиқча дабдаба ва тумтароқликдан холидир.

Аъзам Аюбов секретарь сифатида корректорларнинг, машинисткаларнинг, ретушёрларнинг, редакция фотографларининг ишларига ҳам раҳбарлик қилар, уларнинг меҳнатини юксак қадрлар, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун қўлидан келадиган ёрдамни сира аямас, иш бобида эса талабчанликни қўлдан бой бермас эди.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида Аъзам Аюбов билан бирга хизмат қилган таниқли жур-

налистимиз Ҳабиб Нуъмон, Аъзам Аюбовнинг идорадаги тутган ўрни, мевқеи ва қотиблик сифатидаги иш услуби ҳақида мана шундай ҳикоя қилади: «Секретариат газетанинг штаби деймиз. Дарҳақиқат, бу штаб газета чиқаришнинг ҳамма жараёнларини кузатиб боради. Аъзам Аюбов бош бўлган секретариат чинакам штаб эди. Аюбов шу постда ҳамма соҳадан хабардор бўлиб турарди... Бу штаб катта обрў эгаси, шу билан бирга катта мактаб ҳам эди. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта эди. Ҳар қайси мақола, материал устида аччиқ-аччиқ мулоҳаза, танқид, алам қилдирадиган баҳслар, авторларнинг ишига катта фойда келтирарди-ю, аммо заррача ботмас эди. Гина-қудурат, дағаллик, жанжалли олишув, адоват бўлмас эди. Қасбдошликка путур етказмас эди, аксинча дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамларди. Бунда Аъзам акадаги тўғрилиқ, вазминлик, адолатли хислатларининг таъсир кучи яққол балқиб турарди, буни каттадан-кичик барча ҳис этар ва осонгина тушуниб етарди.

Аъзам акада интизомга ҳурмат зўр эди. У редакцияга ҳаммадан олдин келар, уйига ҳаммадан кеч қайтарди. Ҳамма ходим ҳам шундай қилишга ҳаракат этарди. Бўлим бошлиғи ўз бўлими бўйича шу кун бериши керак бўлган материални албатта бериб кетарди. Масъул секретарь уни кутиб, материалларни қабул қилиб, таҳрир қилар, дафтарига ёзиб, босмаҳонага тушириб кетарди. Менинг ҳали-ҳали эсимда бор: бўлимдан тушган материалнинг тузатилган нусхасини босиш учун кечқурун алоҳида машинистка ишларди».¹

Халқимиз Аъзам Аюбовнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизни равнақ топтиришдаги хизматларини ҳамиша қадрлайди, унинг номини фахр билан ёдга олади.

¹ „Тўёна“, 7-бет.

